



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022-йил 26-Октябрь кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022-йил 25-октябрь кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Учқўприк тумани Сарикўрғон МФЙ кўчалари ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажариш тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Учқўприк тумани Сарикўрғон МФЙ Сарикўрғон кишлоғи ҳудуди аҳолисини бир кунлик сув сарфи __ м³ ҳисобланиб, **уланиш нуқтаси.1** Сарикўрғон МФЙ Сарикўрғон кишлоғи ҳудудидаги мавжуд 1 дона резервуарни таъмирлаш, 2 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш ҳамда ушбу ҳудудда алоҳида калодец ўрнатиб (кувур материали-поэлетилен,чугун,темир,азбец) бўлган диаметри Ø (110) атмосфера босими 0.5АТМ қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 1 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан ҳулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бувайда тумани бўлими Бошлиғи:

Бош муҳандиси:

ИЧБ муҳандиси:


О.Шукуров


А.Мадрахимов


Ж.Абдулхамидов